



**O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Milliy antidoping agentligi**

**The National Anti-Doping Agency
under the Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan**

100017, Toshkent shahri, A.Qodiriy ko‘chasi, 2-uy, tel. +99895 1995501, 1996601
www.uznada.uz e-mail: uznada_uz@mail.ru e-xat: uznada@exat.uz

2022 й. « 15 » 07

№ 14

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигига**

**Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасига**

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги "Ijro.gov.uz" идоралараро ягона электрон тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6247-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан куйидаги ахборотни киритади.

Агентлик томонидан ушбу Фармоннинг 1-иловасидаги 15-бандида кўрсатилган очик маълумотларни даврий киритиб бориш юзасидан топшириқлар ижроси таъминланиб, Агентликнинг расмий сайтига (<http://uznada.uz/oz/docs/ochiq-malumotlar>) жойлаштирилди ҳамда бу ҳақида "Ijro.gov.uz" идоралараро ягона электрон тизимида тегишли маълумотлар киритилди:

Агентлик тасарруфидаги хизмат автотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумот:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5057-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 2-уй манзилидаги бинонинг 12-қаватида текин фойдаланиш шарти билан жойлашган. Агентлик тасарруфидаги хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар мавжуд эмас.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 январдаги ПҚ-3457-сонли ва 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5057-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг тасарруфида учта хизмат автотранспорт воситаси мавжуд:

1. Chevrolet Malibu II, 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01DAV 455-Агентликнинг бош директорида бириктирилган.

2. Chevrolet Cobalt, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01CJA350-Агентликнинг Допинг назорати бўлими ва Антидопинг таълим дастурлари бўлимига бириктирилган.

3. Chevrolet Cobalt, 2021 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01OJA350-Агентликнинг Допинг назорати бўлими ва Матбуот хизматига бириктирилган.

Бош директор


А.Садиков